

2025 йил 19-сентябр

Аммиак ишлаб чиқаришдаги халқаро тажриба ўрганилди



Корхона масъуллари, Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуаси мутахассислари Вьетнамнинг Вунгтау шаҳрида жойлашган “Phú Mỹ Fertilizer” кимё корxonаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Haldor Topsoe лицензияси асосида аммиак (NH_3) ишлаб чиқариш технологиясини қўлайдиган мажмуа барқарор фаолияти билан эътироф этилган.



Корхонадаги қурилмаларнинг ишлаш жараёнида аτροφ-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор берилиб, замонавий технологиялар орқали чиқиндиларни камайтиришга ҳаракат қилинади. Ветнамдаги энг йирик саноат корхонасида аммиак ишлаб чиқаришда қувватларни 20% га ошириш буйича амалга оширилган модернизация ишлари ўрганилди, мулоқот давомида хорижлик мутахассислар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.



Бир ҳафта давом этган хизмат сафари жамият мутахассисларининг халқаро тажрибани “Навоийазот” АЖда қўллаш бўйича билим ҳамда маҳоратларини оширишда муҳим аҳамият касб этди.



"Навоийазот" АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/ammiak-ishlab-chiqarishdagi-halqaro-tazhiba-organildi>